

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Табиий фанлар факультети биология йўналиши 3-босқич “А”
гuruh талабаси Абдутолипов Мухриддиннинг
«Зоология» фанидан**

КУРС ИШИ

МАВЗУ:ОВЛАНАДИГАН УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАР

Андижон-2016

РЕЖА

КИРИШ

I. ЎРТА ОСИЁ УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

II. СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР СИНФИГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

II. АСОСИЙ КИСМ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Жайра – *Hystrix leucura* syk

Ондатра – *Ondatra zibethical*

Нутрия ёки сув бобри – *Myocastor covrns moll*

Бўрсик – *Meles meles* L

Бўри – *Canis lupus* L.

Чиябўри – *Canis avreua* L.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами ниҳоятда хилма – хилдир. У ватанимизнинг табиий бойлигининг муҳим қисмини ташкил этади. Ўзбекистон фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг ўрни жуда катта.

Тахминан 95% суғориладиган ерлар бўлса, 7 млн га яқин ерлар ўзлаштирилиши керак. Мирзачўл, Жиззах, Фориш, Қарши, Сурхоншербод, Қизилқум, Язёвон чўлларида юзлаб янги ихтисослашган жамоа хўжаликлари пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида чўл биоценозларини ўзлаштиришга олиб келмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳайвонларнинг ўзига жалб қиладиган зоналар: тоғлик, тоғ олди адирлик, дашт, чўл, тўқай, текислик ва маданий агроценозлар мавжуд бўлиб, уларда ҳайвонлар турлича тарқалган. У ердаги ҳайвонларнинг фойдаси ёки зарари тўғрисида сўз юритишимиз керак. Масалан: Зарғалдоқ ва майналар кузда боғдорчиликка зарар келтиргани билан кўпайиш вақтида кўплаб зараркунандаларни териб жуда катта фойда келтиради.

Андижон вилоятида учта овчилик хўжалиги бўлиб, уларни халқ – хўжалигига аҳамияти катта. Тулки, қуён, ондатра, норка каби ҳайвонларнинг териси қимматбаҳо бўлгани учун кўпайтирилади ва овланади. Ўз ареалини жуда тез кенгайтириб бораётган майнани, қишлоқ – хўжалик ходимларини талабномасига биноан овланади. Овланадиган ҳайвонларни овчилик хўжаликларидан ташқари жойларда ҳам ҳаваскор маҳаллий овчилар томонидан ов жараёнлари олиб борилади.

Ўзбекистонда ҳозир 9 та кўриқхона, 9 та заказник мавжуд. Ҳайвонлар ҳаётини ўрганиш кўп жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, бу хилдаги фойдали ва қизиқарли машғулотлар ёшларни табиатга мухаббат ва қизиқувчанлик ва табиат устида кузатишлар олиб боришга иштиёқ уйғотади.

I. ЎРТА ОСИЁ УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ниҳоятда хилма – хилдир. Ўрта Осиё табиатини ўрганишни биринчи бўлиб 1820 йил **Эвересман** бошлаб берди. У рус дипломатик элчилар таркибида савдо карвони билан Бухорога келди. Бухорога келиш сафари қиш фаслига тўғри келгани учун зоологик материалларни тўплай олмади. Оренбургга қайтиш вақтида кўп зоологик материалларни топиш имкониятига эга бўлди. Тўплаган материалларини Берлин Университетига юборди. Профессор **Лихтенштейн** 1823 йилда Эвересман ишига илова қилиб зоологик материалларни эълон қилди.

Ўрта Осиё умуртқали ҳайвонларини ўрганишда машхур рус олимларидан бири Н.А. Северцов ўзининг жуда катта хиссасини қўшди. 1857 йили Северцов Сирдарё бўйлаб водийни ҳайвонот дунёсини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, лекин буни амалга ошира олмаसाда, у ўз сафарларини 1857 – 1878 йилларгача давом эттирди. Бу давр ичида у Устюрт, Орол денгизи, Қизилқум, Сирдарё воҳаларини ўрганди, қушларнинг ўзидан 12 минг коллекция тўплади. Тўпланган материаллар асосида “Туркистон ҳайвонларининг горизонтал ва вертикал тарқалиши” номли машхур асарини чоп эттирди.

Ўрта Осиё ҳайвонот дунёсининг ўрганишда Н.А. Зарудний ҳам ўзининг катта хиссасини қўшди. 1884 – 1889 йилга қадар 4 марта экспедиция уюштириб, Копед – Доғ, Педжен, Мурғоб воҳалари, Қорадарё бўйлаб катта зоологик материалларни ёзиш имконига эга бўлди. У икки мингдан ортиқ қушлар, коллекциясини қолдирди.

У Закаспий ўлкасининг орнитофаунаси Асарини чоп эттирган. 1899 – 1903 йиллар К.С. Берг Орол денгизи, Сирдарё, Балхаш, Исикқўл ихтиофаунаси бўйича бой материалларни тўплаб, “Туркистон балиқлари” асарини чоп эттирди.

1928 – 1945 йиллар Чу дарёси, Орол денгизи, Амударё балиқларини Г.Б. Николский ўрганди ва қатор мақолаларни чоп эттирди. Ўрта Осиё Университети зоолог олимлари томонидан умуртқали ҳайвонларни ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

1929 йил Д.Н. Қашқаров, Н.И. Бабринский ва бошқалар изланишлар олиб бордилар. Д.Н. Қашқаров ўзининг экологик мактабини яратди “Туркистон ҳайвонлари” номли фундаментал характердаги асарни чоп эттирди.

И.И. Колесников кемирувчиларни ўрганди. Т.З. Зоҳидов Ўрта Осиё табиати ва ҳайвонларини ўрганишда ўзининг катта хиссаларини қўшди.

Туркменистон бўйича **А.О. Тоидмев, Аургельдиев, Тожикистон бўйича И.А. Абдусаломов, Давидов**, Қирғизистон ихтиофаунасини ўрганишда Турдаков ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А.К. Соғитов ўзининг экология мактабини яратиб, Ўзбекистон фаунасига хос бўлган турларни ўрганишда ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш чора – тадбирларини ишлаб чиқаришда катта ишларни амалга оширди. Ҳозирги пайтда зоология соҳасида иш олиб бораётган олимлар қаторига А.К. Соғитов, С. Бакиев, О. Митропольский, Д.Н. Қашқаров, О. Богданов, Абдуллаев, Э. Солиқбоев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

II. СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР СИНФИГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

Сут эмизувчилар синфига ҳаммадан кура мукамалроқ тузилган иссиқ қонли умуртқали ҳайвонлар киради. Буларнинг характерли биологик хусусияти боласини сут билан боқиб катта қилишдир. Бу ҳайвонларнинг сути алоҳида безларидан ишлаб чиқарилади. Танаси жун билан қопланган. Склети таянч вазифасини бажаради. Юраги тўрт камерали иккита юрак бўлмаси ва иккита юрак қоринчаси бор. Сут эмизувчиларни тана температураси бир қадар доимий ўпкаси билан нафас олади.

Бу хайвонлар одамлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Улардан уй хайвонлари сифатида фойдаланилади, зараркунанда хашаротларни йўқотишда тулки, бўрсик ёввойи хайвонлардан фойдаланилади.

Қуённомалар туркуми. Вакил қуёш *Lagomorpha*. Бу туркумга ўртача катталиқдаги бўлган тана тузилиши келишган, ерда ва онда сонда дарахтда ҳаёт кечиради. Ер юзиде қуённомаларни 60 тури маълум.

Қум қуён – *Lepus tolai pall.* Танасининг узунлиги 46-54 см, оғирлиги 1700 – 2300 г. Танасининг устки томони жигарранг пастки томони оқ.

Қуёнлар спорт ови объекти ҳамда хаваскор очилар учун ов қилидиган хайвон ҳисобланади. Қуёнлар ёш дов – дарахтларнинг пўстлоғини еб, боғдорчиликка катта зиён етказади.

У жуда серпушт бўлади. Урғочиси 3-4 марта 3-6 тадан болалайди. Урчиш даври сентябргача давом этади. Урғочиси болаларини эмизади, сўнг мустақил ҳаёт кечиради. 10-11 ойликка етганда жинсий жихатдан вояга етади.

III. АСОСИЙ КИСМ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН СУТ ЭМИЗУВЧИ ҲАЙВОНЛАР

Жайра – *Hystrix leucura syk*

Жайра энг катта кемирувчидир. Танасини узунлиги 70 – 90 см, оғирли 15 кг гача. Танасининг орқаси ва икки ёни жунга айланган узун 30 см гача борадиган ниначалари бор.

Қишда ёввойи ўсимликларни пиёзчалари, илдиз поялари ва уруғлари билан, баҳорда ўт – ўлан билан озиқланади. Ёз ва куз кезлари маккажўхори етилган жойларга бориб туради, илдиз мевалар, тарвуз ва қовунларни еб кетади. Пишиб турган узум, тўкилиб тушган уруғ ва бошқа меваларни йўқ қилади. Мевали дарахтларни танаси ва илдизини ғажиб кетади.

Йилни турли пайтларида болалайди. Ҳар сафар 2-6 тадан боласи бўлади. Жайра гўштини еса бўлади, шунинг учун овланади. У қишлоқ

хўжалигига зиён етказди, лекин унга қарши атайлаб кураш олиб борилмайди.



Жайра – *Hystrix leucura* syk

Ондатра – *Ondatra zibethical*

Танасининг узунлиги 36 см гача, думининг узунлиги 27-29 см. Сувда ва қуруқликда ҳаёт кечиради. Орқа оёқларида худди ўрдакдагидек сузгич пардаси бор. Мўйнаси қалин, унча намланмайди ва қимматбаҳо.

Ондатра сувда ва сув бўйида ўсадиган ўсимликлар билан асосан қашиш билан озиқланади. Онда – сонда балиқларни тутиб ейди.

Йилига 2-3, баъзида эса 4 марта ҳам учрайди, ҳар сафар 4-12 тадан гоҳо бундан ҳам кўпроқ туғади. Болаларини 21-25 кун давомида сут билан боқади. Баъзи урғочилари 3-4 ойлик бўлганида, эркаклари 8-11 ойдан кейин вояга етади.

Ондатранинг умри 6 – йилгача, лекин касаллик ва офатларда кирилиб кетади. Ондатра 15 – ноябрдан, 1- февралгача махсус рухсатнома билан қимматбаҳо, пишиқ териси учун овланади. Улар қопқонларда тугилади.





Ондатра – *Ondatra zibethical*

Нутрия ёки сув бобри – *Myocastor coypus moll*

Танасининг узунлиги 50 – 65 см, оғирлиги 4 – 5 кг. Айрим индивидлари 80 см гача узунликда бўлади ва оғирлиги 10 кг гача боради. Эркаклари урғочиларидан бир оз йирикроқ бўлади, орқа оёқларининг тўртта бармоғи сузгич парда билан бир – бирига туташган. Тумшуқи япалоқ, узун – узун мўйловлари бор.

Нутрия сувда ўсадиган ўсимликлар илдизроялари билан озиқланади. Кузда маккажўхори, арпа, лавлаги, сабзи, хашак билан, ёзда эса бундан ташқари ўт, лавлаги ва сабзи палаги, тарвуз, қовун билан боқилади.

Урғочилари йилига икки марта 4 – 5 тадан бола туғади. Болалари 50-60 кун давомида онасини эмиб туради. 6-7 ойдан кейин, яхши шароитда бўлганида эса ҳам эртароқ жинсий жихатдан вояга етади. Нутрия кўпи билан 4-5 йил умр кўради.



Нутрия ёки сув бобри – *Myocastor coypus moll*

Териси қоракўл териларига қараганда қимматлироқ туради. Шунинг учун нутрияни сув ҳавзаларигина эмас, балки фермер хўжаликларида, катакларда ҳам урчитиш фойдалидир.

Бўрсик – *Meles meles* L

Ўзбекистон республикаси ов қилиш муддатлари тўғрисидаги 337 – қарорига мувофиқ бўрсикларни 15 – сентябрдан 30 – ноябргача ҳар бир овчи бир марта овга чиққанида бир бош бўрсик овлашга рухсат этилган.

Танасининг узунлиги 70-78 см, думининг узунлиги 18-25 см, тумшуғидан орқа томонига сарғиш – оқ йўл ўтган. Баҳорда эркаги 7-6 кг, кузда уйқуга кетиш олдидан 20 кг га етади.

Бўрсиклар дарё бўйларидаги тўқайлар, дашт ва чала даўтлардан жарлар, сув яқинидаги тўқайларда, дашт ва чала даштлардаги жарлар, сув яқинидаги қум саҳроларида яшайди.

Овқати чигиртка, қўнғиз ва уларнинг личинкаларидан иборат. Кези келганда кемирувчилар ва калтакесакларни тутиб ейди. Тоғ олча, ўрик, олма, жийда ва тутни ҳам ейди. Ёввойи ўсимликларнинг илдиз поялари пиёзчаларини, меваларини ғажийди.





Бўрсик – *Meles meles* L

Феврал охири ёки март бойида болалайди. Урғочи бўрсик, 2-6 та ўрта ҳисобда 4 та бола туғади. Болаларини кўзи 33-38 кунда очилади. Июнда уяларидан болалари ташқарига чиқа бошлайди. Улар то куз тушгунича онаси билан яшайди. Бўрсиклар даво бўладиган ёғи учун овланади. Бўрсиклар қопқонлар билан ва кечалари итлар билан ёки уясини қовлаш орқали тугилади.

Бўри – *Canis lupus* L.

Уставдаги ов муддатлари бўйича бўрини овлаш муддати 15 ноябрдан 1 февралгача. Бизда учрайдиган бўриларнинг массаси 35-45 кг, танасининг узунлиги 110-120, думининг узунлиги 35-40 см дир. Жунининг ёзги ранги зангорисимон – сарғиш ва кулранг тусда.

Улар бутун йил бўйи жуфт – жуфт бўлиб яшайди. Ҳар бир эркак ва урғочи бўри, болалари ҳам ёш пайтида ўз оиласи учун маълум бир жойни эгаллаб олади ва бошқа бўрилардан шу жойни қўриқлайди. Овқати ёввойи ҳайвонларидир. Бу ҳайвон кемирувчилар тустовуқлар, ўрдаулар, ёш тошбақалар, кўнғизлар, чигирткалар ва балиқнинг ҳам тутиб ейди. Бўрилар яна тарвуз, қовун, резаворлар билан ҳам озиқланади.



Бўри – *Canis lupus* L.

Ёш бўрилар 3-4 тадан, қарилари 6-8 та ҳатто 13 тагача кўзи юмуқ бола туғади. Бўричаларнинг кўзи 10-12 кунда очилади. Улар 35-40 кунгача онасини эмади. Бўрилар 2-3 ёшида вояга етади. Улар 15 йил умр кўради. Бўрилар чорвачилик ва ов хўжаликларига ниҳоятда зарар етказди, улар орасида қутуриш касаллиги кўп учраб туради.

Тулки – *Vulpes vulpes* L.

Республикамизда тулкини овлаш муддати 16 ноябрдан 1 февралгача, махсус рухсатнома билан тери тайёрлаш учун ов қилинади. Танасининг узунлиги 65-80, думининг узунлиги 40-50 см. Эркаклари 6-10, урғочилари 5-8 келади. Танасининг устки томони ва икки ён томони сарғишнамо тусда. Думини пастки томони билан учи оқ.





Тулки – *Vulpes vulpes* L.

Тулкининг овқати қумсичқон, қўшоёқ, юмронқозиклар, сичқонлар, қўнғизлар, чигирткаларни қиради. Гоҳо какликлар, тўрғайлар ва бошқа кушларни тутиб ейди. қишлоқ атрофида эса товуқларни олиб кетади.

Январ ойини охирида жуфтлашади. Эркаги урғочисини ғамхўрлик билан парвариш қилиб, унга овқат келтириб туради. Инида март ойида болалайди. Болаларини сони 4-6 тагача бўлади. 17 – 19 кунда кўзлари ва кулоқ тешиклари очилади, 10-11 ойлик бўлганида жинсий вояга етади.

Тулки бир талай кемирувчи ва хашаротларни йўқ қилиб, қишлоқ хўжалигида фойда келтиради. Мўйнаси жуда қадрланади. Ўзбекистонда мўйна тайёрлашда тулки териси ондатрадан кейин иккинчи ўринда туради. Тулки вилоятимизда ов қилинадиган асосий объектларнинг биридир. Базда тулкилар милтиқ, тоза итлар ва овчи бургутлар билан овланади. Қопқонлар билан ҳам талайгина ҳайвонлар тутиб олинади.

Чиябўри – *Canis aurea* L.

Чиябўри бўридан кўра икки баробар кичик, танасининг узунлиги 71-81 см, думининг узунлиги 19-23 см, массаси 10-12 кг, жунининг ранги

малланамо – кулранг, орқа томонидан қорамтир йўл ўтган, бошининг олдинги қисми кўзининг атрофлари ва пешонаси сарғиш, малларанг.

Чиябўри тунги ҳайвондир. Ахён-ахёнда кундузи ҳам изғиб юради. Қалин тўқай чангалзорларда, соз тупроқли жарларда жойлашган. Инлари кабристондаги ўпирилиб тушган қабрларда, баъзан эса тўғридан – тўғри маккажўхори, оқжўхори экилган жойларда ёки пахта далаларида бўлади.

Ерга уя соладиган қушлар ва уларнинг тухумлари билан озиқланади. Тустовуқлар ва хонаки товуқларни яхши кўради. Бу ҳайвон, балиқ, тошбақалар, илонлар, калтакесаклар, кемирувчилар, бақалар ва хашаротларни ҳам тутиб ейди, ўлимтикдан ҳам қайтмайди. Мева ва резавор меваларни ҳам ейди. Тарвуз ва қовунларни ғажиб полиз экинларига зарар етказди.

Урғочи чиябўри апрелда болалайди. Узунлиги 2-3 м бўладиган ини жуда содда тузилган, битта оғзи бўлади. Гоҳо бўрсик ва тулкиларнинг тайёр инларидан фойдаланади. Битта урғочиси тўрттадан то 7-9 тагача бола туғади.





Чиябўри – *Canis aureus* L.

Болаларини кўзи юмуқ бўлиб туғилади, ҳаётининг иккинчи йилига келиб улар жинсий жиҳатдан вояга етади.

Чиябўрилар териси унча қадрланмайдиган бўлгани учун бу ҳайвоннинг ов аҳамияти арзимас даражада, ошланган терилари эркаклар пўстинига ишлатилади.

Тожикистон ва Туркменистонда ўлдирилган ҳар бир чиябўри унинг пўл тўланади.

Андижон вилояти бионазоратини №337 – қарорга мувофиқ чиябўриларни 1 октябрдан 15 февралгача овлаш мумкин, нормаси 1 бош.

ХУЛОСА

1. Андижон вилояти Фарғона водийсини шарқий қисмида жойлашган. Вилоят иқлими кескин континентал ёзи иссиқ, қиши совуқ, йиллик йиғин миқдори 250-300 мм, йил давомида 260 – 290 кун ҳаво очиқ бўлади.

Тупроғи оч бўз, шўртон тупроқ ва баъзи жойларида эса шағал қумлоқ жойлари ҳам учрайди.

2. Андижон вилоятида 3 та овчилик хўжалик бўлиб, бу овчилик хўжаликларининг 2500 та овчиси бор. Бу овчилар Ўзбекистон Руспубликаси бионазорати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ ов қилишади. Бу қарорда ҳар бир ов қилинадиган ҳайвонларнинг ов қилиш муддатлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси бионазорати томонидан экологик шароитларга қараб ов қилиш муддатларини узайтириш ва қисқартириш мумкин.

Бу овчилик хўжалигида зоғара балиқ, сазан, илон балиқ, чўртан балиқ, қора балиқ, хумбош балиқ, қушлардан кўк ғоз, кўк каптар, чуррак, бедана, каклик, сут эмизувчилардан жайра, тулки, бўри, бўрсиқ, қуёнларни учратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997
2. Экология ва ҳаёт. (Президент И.А. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), Тошкент, “Ўзбекистон”, 2002
3. Абрикосов Г.Г., Банников А.Г., Беккер Э.Г., Бобринский Н.А., Левинсон Л.Б, Матвеев Б.С., Поромонов А.А. “Зоология курси”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1966
4. Акимускин И.И. “Мир животных”. Млекопитающие М., 1988 г
5. Богданов О.П. «Экология пресмикающихся». Т., 1989 г
6. Богданов О.П. “Ўзбекистоннинг нодир қушлари ва сут эмизувчи ҳайвонлари”. Тошкент, 1978
7. Богданов О.П. “Ўзбекистон ҳайвонлари” Тошкент. “Ўқитувчи”. 1983 й.
8. Жизнь животных. том 4. Москва, 1983
9. Жизнь животных. том 7. Млекопитающие. Москва. 1983
10. Жизнь животных. том 6. Птицы. Москва. 1983
11. Зоҳидов Т.З. “Зоология энциклопедияси”, “Балиқлар, тубан хордалилар”. Тошкент, 1979
12. Зоҳидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н. “Природа и животнқй мир средней азии”. Том 1. Т. 1969
13. Маисеев В.А., Кашкаров Д.Ю. “Животный мир Узбекистана”. Тошкент. «Ўқитувчи», 1990
14. Наумов С.П. “Умуртқали ҳайвонлар зоологияси”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995
15. “Позвоночные животные Ферганской долины” . Тошкент, 1974
16. «Позвоночные животные юга Узбекистана». Т., 1964